# БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 83 (9829).

1990 йил
1 май
сешанба

Баҳоси 5 тийин.





Ж. АЛИХУЖАЕВ коллажи.

**Яшасин 1 Май—меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни! Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз! Совет кишилари! Инсонпарвар, демократик социализм қуриш учун куч-ғайратларимизни бирлаштирайлик!**

## ЎЗБЕКИСТОН— ОНАЖОН

Ўзбекистон —
онажонимнинг
Гард юқмасин
киприкларига.
Кипригимни совға
қиламан
Қувват бўл деб
кўприкларига.

Ўзбекистон —
онажонимнинг
Боғларидан томиб
турар бол.
Унинг ширин-
шарбатларини
Ҳеч бир кимса этолмас
увол.

Ўзбекистон —
онажонимнинг
Кўзларига тўймасман
қараб.
Унинг яшил майсаларини—
Сочларини яшайман
тараб...

Олқор ДАМИН.

## ҚЎШИҚ

Баҳорнинг бағридан отилар қўшиқ,
Қўшиқ жарангоси кирар қалбларга.
Олам яшилликка очади эшик,
Қуёшнинг кулгуси кўчар лабларга.

Сезилиб-сезилмай киради-ю тонг
Борлиқни қучоқлаб олади сархуш.
Қизлар кўраётган ширин-шакар туш
Таъбиридай хушнуд оқаради тонг...

Баҳорнинг кўксидан отилган қўшиқ
Сеҳрли барқутга ўрар борлиқни.
Онадан ўрганиб тун бедорликни,
Чаманлар бағрига битади қўшиқ.

Баҳорнинг лабидан учади қўшиқ,
Яшил нурга олам қучоғи тўлиқ...

Меҳриниссо ОЙДИНОВА.

# • Ноҳия ва шаҳар ҳисобот-сайлов партия конференциялари •

## КИРОВ НОҲИЯСИ

XXXV Киров ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Р. А. Калонов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, Ю. Б. Казаринов ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференцияларига делегатлар сайланди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегат этиб сайланиш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига номзодлар тавсия қилинди.

Ноҳия партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди.

Шунингдек, ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди, пленум илгари ноҳия партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган Л. П. Фаденичевани комиссия раиси этиб сайлади.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ш. Р. Мирсаидов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг котибаси Ш. Н. Маҳмудова қатнашдилар.

## ФРУНЗЕ НОҲИЯСИ

XXXV Фрунзе ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Ш. Х. Низомов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, В. М. Плешаков ноҳия партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, А. С. Сулаймонхўжаев ноҳия партия комитетининг котиби ва бюро аъзоси этиб сайландилар. Илгари ноҳия партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган А. Р. Мокшин ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференцияларига делегатлар сайландилар, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегат қилиб сайланиш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайланиш учун номзодлар тавсия қилиндилар.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг бўлиб ўтган пленумларида ноҳия партия комитетининг бюроси ва комиссияси сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг котиби К. Р. Расулов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлими мудирининг биринчи ўринбосари У. О. Зокиров қатнашдилар.

## КУЙБИШЕВ НОҲИЯСИ

XXXX Куйбишев ноҳия ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Ш. Т. Нусратов ноҳия партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, С. Ю. Содиқова ноҳия партия комитетининг иккинчи котибаси ва бюро аъзоси, Б. А. Мамонтов ноҳия партия комитетининг котиби ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Ноҳия партия комитети ва ноҳия партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXVII Тошкент шаҳар ва XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференцияларига делегатлар сайландилар, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегат қилиб сайлаш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайлаш учун номзодлар тавсия этилди.

Ноҳия партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди.

Шунингдек ноҳия партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди, пленум илгари ноҳия партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган В. Н. Василенкони комиссия раиси этиб сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг иккинчи котиби В. Г. Гришчук қатнашди ва нутқ сўзлади.

## БЕКОБОД ШАҲРИ

XXVIII Бекобод шаҳар ҳисобот-сайлов партия конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда тўғридан-тўғри овоз бериш билан Э. М. Рўзиев шаҳар партия комитетининг биринчи котиби ва бюро аъзоси, Б. Х. Абдуллаев шаҳар партия комитетининг иккинчи котиби ва бюро аъзоси, Т. И. Часовских шаҳар партия комитетининг котибаси ва бюро аъзоси этиб сайландилар.

Шаҳар партия комитети ва шаҳар партия ташкилотининг назорат-тафтиш комиссияси, XXIV Тошкент вилоят ҳисобот-сайлов партия конференциясига делегатлар сайланди, Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди, КПССнинг XXVIII съездига делегатлар қилиб сайланиш учун номзодлар, юқори партия ташкилотларининг сайлаб қўйиладиган органлари таркибига сайланиш учун номзодлар тавсия қилиндилар.

Шаҳар партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида бюро сайланди, «Рабочий Бекабада» — «Бекобод ишчиси» шаҳар газетасининг муҳаррири тасдиқланди.

Шунингдек, шаҳар партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг пленуми ҳам бўлди. Пленум илгари шаҳар партия комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси бўлиб ишлаган Н. И. Силантьевни комиссия раиси қилиб сайлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов қатнашди ва нутқ сўзлади.

---

*XXIV вилоят партия конференцияси делегатлари ҳақида ҳикоялар*

# ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ




Яқинда «КПСС XXV съезди» совхозида 3-бўлим бошқарувчиси Амет Дегирменжининг меҳнат фаолиятига 40 йил тўлганлиги совхоз жамоатчилиги томонидан кенг нишонланди. Унга совхоз маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари томонидан бир яхши магнитофон совға қилинди. Меҳнаткашлар ноҳия газетаси орқали табриклашди.

Албатта, гап совға ёки табрикларда эмас. Гап шундаки, хўжаликдаги бу янгича анъана меҳнат кишисини улуғлаш, вақти келса унинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб қадрлашнинг белгиси бўлиб хизмат қилганлиги учун ҳам одамларда яхши таассурот қолдирди.

Амет оғанинг 3-бўлимда бошқарувчилик қилаётганига роса 10 йил бўлди. Шу вақт мобайнида у қишлоқнинг каттаю-кичиги, ёшу қариси билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Унинг табиатан ҳазилкашлиги, раҳбар сифатида обрў-эътиборига зиғирча бўлса-да, зарар етказгани йўқ. Масалан, бўлим бошлиғининг бирорта топшириғи шу кунгача бажарилмай қолмайди.

— Амет ака ҳақида, «у жуда яхши одам», деб бир оғиз таъриф бериш кифоя, — дейди совхоз директори У. Исабоев биз билан суҳбатда. — Шароити энг оғир бўлимни шу одам эплаб келаяпти. Қани энди, ҳамма бўлим бошлиқлари у каби ишлай олганида, совхоз раҳбарларига иш қолмас эди.

Дегирменжи совхозда ва ноҳияда тадбиркор деҳқон, ҳатто ўзбеклар орасида ҳам тажрибали пахта устаси деб ном таратган. Бироқ бу иззат-ҳурмат осонликча эмас — 40 йиллик меҳнат эвазига қўлга киритилди.

Қрим татар фарзанди Амет Дегирменжи Ўзбекистонга келганида 12 ёшли бола эди. Қрим татарлари ватанидан адолатсизларча сургун қилинган пайтда унинг отаси меҳнат армиясида хизматда эди. У Бекобод районининг 2-«Далварзин» совхозига онаси, акаси, 2 укаси ва 2 синглиси билан бирга келди.

Улар совхознинг 3-бўлимида (ҳозирги 2-бўлим) жойлашиб қолдилар. Жуда оғир кунлар эди. Уруш, очарчилик, жон сақлаш осон бўлмади. Йўқ, дунёда меҳр-оқибатли одамлар кўп экан. Уларнинг ёрдами билан ёш Амет соғлом бўлиб улғайди. Болаликдан меҳнат қилишга ўрганди. Унинг меҳнат фаолияти 1950 йил бошланди. Шунда 16 ёшлик Амет совхозда тракторчининг шогирди бўлиб ишлай бошлади. Кейинчалик 1953 йилда «Боёвут» районида олти ойлик бригада-механиклари мактабида ўқиб келди. Шу-шу унинг ҳаёти қишлоқ хўжалиги механизацияси билан боғлиқ бўлиб қолди.

У 1956 йилгача бригада механиги бўлиб ишлади. Сўнгра Совет Армияси сафига чақирилди. Ҳарбий хизматдан «Аълочи қурувчи» медалини тақиб қайтди.

Гараж мудири, бўлим механиги, пахтачилик бригадаси етакчиси, марказий устахонанинг инженер ўринбосари лавозимларида тажриба орттиргандан сўнг 1980 йилда уни совхознинг энг қолоқ бўлимларидан бирига бошчилик қилишга таклиф этишди.

Ҳозир 3-бўлимнинг 600 гектар экин майдони бор. 440 гектар пахта экилаяпти. Тўғри бу йил пахтага ажратилган ерлар бироз камайди. Унинг ўрнига 50 гектар янги боғ яратилмоқда. Бўлимда қум ва тошлоқ ерларда пахтадан гектарига 27 центнерга етказиб ҳосил олинмоқда. Хашаки экинлар ҳосилдорлиги ҳам бошқалардан қолишмайди.

— Мен асли тракторчи бўлганим учунми, бўлимдаги Ҳаким Ғозиев, Аҳмадали Каримов, Имомали Турдиев, Рўзибой Маматқулов каби илғор механизаторларга суяниб ишлайман. Жуда меҳнаткаш йигитлар, — дейди Амет ака биз билан суҳбатда. — Бу гап бежиз эмас, чунки у бўлимда бригада деган гап йўқ бўлди. 100 фоиз ерларимизни оилавий пудрат асосида бўлиб ташлаганмиз. Пахтаям, хашаки экинлар ҳам одамларга бўлиб берилган. Шунинг учун ҳам бўлим механизаторларининг масъулияти ошиб кетди. Лекин очиғини айтиш керак, ҳозирча механизаторларимиз доғда қолдиргани йўқ.

— Паркентдаги воқеаларни эшитдингизми? Нимани талашади бу одамлар? — деб қолди Амет оға.— Эҳ, бу ёшлар, тинчликнинг қадрига етишмаяпти. Улар тинч яшашнинг қандай яхши эканлигини билишмайди-да.

Мана мен уруш ёки Афғонистон сўзини эшитсам, ўзимни босолмай қоламан. Афғонистонда катта ўғлим Эскендернинг ҳаёти хавф остида бўлганлигини эсласам, кўзимга ёш қуйилиб, ҳамиша урушга лаънатлар ўқийман. Минг қайта шукурки, ўғлим соғ-омон қайтди. У армияда ҳам шофёрлик қилди. 3 та жанговар медаль олиб қайтди. Ўша вазиятда эса ҳеч ким уни соғ-омон қайтишига кафолат бера олган эмасди. Масалан, бир куни Кобулга кетаётган озиқ-овқат ва бошқа юклар ортган машиналар колоннасига тўсатдан ҳужум қилинибди. Шу жангда 27 та машинадан 6 таси соғ қолибди. Қолганлари бир зумда куйиб кетган. Ахир ўша машиналар рулини ўғлимнинг солдат ўртоқлари бошқарган эди-да. Улар шу ерда ҳалок бўлишган. Бизга бу қурбонлар керакмиди?

Кейинги пайтларда миллий масала, миллий низо деган гаплар расм бўлди. Менинг фикримча, бу жанжаллардан оддий меҳнат кишисига ҳеч бир фойда йўқ. Партия ва ҳукуматимиз ҳамма муаммоларини тинч йўл билан ҳал қилишга даъват этиб жуда тўғри қилаяпти.

Мана бизнинг бўлимимизни ҳам байналмилал жамоа дейиш мумкин. Бизда ҳам ўзбеклар билан бир қаторда руслар, тожиклар, қрим татарлари кўп йиллардан бери меҳнат қилишади. Мана руслардан Виталий Тюменев ёки Виктор Черкасовлар слесарь бўлиб ишлашади. Улар ўз меҳнати билан бўлим учун керакли одамларга айланди. Ёки қрим татарлардан Эмирасан Бекиров ҳар қандай уста сувчи билан беллашишга тайёр.

Амет акага «уни бўлим бошлиғи сифатида қандай муаммолар қийнаяпти» деган савол билан мурожаат қилдим.

— Биласизми? Интизом пасайиб кетди. Айрим ёшларимиз қўл учида иш қилишга ўрганиб қолишган. Ахир ўзинг учун ишлайсан-ку!

Оиласини, болаларини, рўзғорини ўйлаган, умуман бир иш билан машғул одамнинг ҳар қандай жанжалга аралашишга вақти йўқ бўлади. Айтишади-ку, ишлаган одамнинг фисқу-фасод ва ғийбатга ҳам вақти йўқ, деб. Шу жуда тўғри гап. Биз жанжал билан фаровонликка эришa олмаймиз. Бу оддий ҳақиқатни унутмаслик керак.

Қрим татар фарзанди Амет Дегирменжи ўз умрининг 46 йилини Ўзбекистонда ўтказяпти. 40 йил давомида шу ерга билак кучини сарфлади. Пешона тери тўкилган бу ерлар унинг учун ҳамиша қадрдон, оталар юртидек азиз бўлиб қолган. Бу ер уни ўз фарзандим дея ардоқлади, ҳалол меҳнат қилгани учун ундан ўз неъматларини аямади.

**Абдуҳамид ҚОДИРОВ.**

# ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ




## Вилоят ижроия комитетида уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашув

Уларнинг кўксиларидаги турли нишонлар ўша шонли йиллардан гувоҳ. Москва, Сталинград, Ленинград, Берлин... Ҳозир йиллар чеҳраларида изларини қолдирган, сочларига оқ тус берган бу отахон ва онахонлар ярим аср муқаддам тиш-тирноғигача қуролланган душман йўлида қалқон бўлганликлари, қўшинларимиз жанг учун ҳамма зарур қурол-аслаҳа, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминланишлари учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тер тўкканлари учун бугун — Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида уларга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди. Уларнинг ана шу жасорати туфайли Ватанимиз фашизм зулмидан халос бўлди, совет Армияси Европа халқларига ҳам озодлик келтирди.

Шонли май байрамлари арафасида уруш ва меҳнат ветеранларини шарафлаш яхши анъанага айланган. Кеча вилоят ижроия комитетида фашистлар устидан қозонилган ғалабага шахсан ҳисса қўшган собиқ жангчилар ишчилар ва деҳқонлар, халқ зиёлилари вакиллари тўпландилар.

Вилоят ижроия комитетининг раиси С. Д. Сайдалиев йиғилганларни қутлуғ байрам билан табриклаб, кечани очди. Сўнгра халқ депутатлари вилоят Советининг раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов уруш ва меҳнат ветеранларини қизғин ва самимий муборакбод этди.

— Кўп миллатли совет халқи,—деб таъкидлади у,— Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида озодлигимиз учун жон олиб, жон берган, қаҳрамонлик кўрсатган, ҳалок бўлган фарзандларини доим ёдда тутади. Сиз отахон ва онахонларимиз давраларимизнинг кўркига кўрк қўшасиз, келажак авлодни тарбиялашда биз ҳамиша сизнинг ёрдамингизга суянамиз. Урушдаги Буюк Ғалаба кўп миллатли совет халқининг ҳамкорликдаги ғалабасидир. Шунинг учун ҳам биз тинч осойишта ҳаёт кечираётганимизда миллатлараро муносабатлар муаммоларини келтириб чиқармасликка, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ҳаракат қилишимиз керак.

Халқимизда ўтган кунингни унутма деган нақл бор. Биз ўтмишимизни, ота-боболаримиз жасоратини унутсак, уларнинг ҳурматини жойига қўймасак, келажагимиз ҳам инқирозга маҳкумдир. Сизларни яна бир бор байрам билан қутлаймиз, сиҳат саломат бўлинг. Болалрингиз, невараларингиз ардоғида юринглар.

Кечада уруш ва меҳнат ветеранларини кекса журналист, Пискент ноҳия уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг раиси Мажид Самадов, ёзувчи Нурали Қобил, Ўзбекистон ССР халқ артисти Шерали Жўраев ва бошқалар табрикладилар.

Таниқли хонандалар, вилоятимиз бадиий ҳаваскорлари ижросидаги куй ва қўшиқлар кечага файз киритди.

Ғоят самимий, дилкашлик руҳида ўтган учрашувда ёшларни халқимизнинг буюк қадриятлари, айниқса Улуғ Октябрь, социализм ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш жуда муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди. Жамиятимизда ветеранлар, хусусан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари алоҳида меҳр-муҳаббат билан қуршаб олинишлари лозим. Кейинги вақтларда СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган қарорлар ўз моҳияти билан шунга хизмат қилади. Маҳаллий Советлар бу қонунларнинг тўла бажарилишини таъминлашлари зарур.

Кексалар вилоят ижроия комитетидан чиқар эканлар, қизғин баҳслашишар, яна ва яна хотираларини ёдга олишар эди. Бу хотиралар билан улар ўша суронли йиллардаги ёшлик дамларига, қайноқ кунларга қайтиб келгандек туюлардилар...

Учрашувда вилоят уруш ва меҳнат ветеранлари Советининг фаоллари, Тошкент вилоят партия комитетининг котиби Ш. Н. Маҳмудова иштирок этдилар.

(Махсус мухбиримиздан).











Учрашувдан олинган суратли лавҳалар.

Сураткаш А. ЗУФАРОВ.

• *Санъаткорлар даврасида*

# ҚАЛБНИ ЭТДИ САРАФРОЗ



ТАНБУР — ажиб ва қадимий миллий соз. Уни тинглаганда дил ҳузур қилади, қалбга нозик ҳиссиётлар пайванд бўлиб, беихтиёр куйлагиси келади кишининг. «Гиря», «Наво»лар унинг дарднок садоланишида эшитилса борми, мозий қайтадан жилолангандай бўлади.

Қадим-қадимларда Амударё қирғоғига туташган мавлиду масканда ўткир иқтидорли созанда йигит яшаб, одамлар кўнглини гўзал тароналар билан ром этаркан. Унинг маҳбубасининг қадди шамшоддек, сочлари эса кифти узра тўлғанаркан... Йигит севгилисининг қадди-қоматидан андоза олиб бир соз ясашни мақсад этибди. Аҳмонийлар подшоси Кир қириб ташлаган ватандошлари дафнияси чеккасида ўсиб турган дарахтдан бир шохни кесиб олиб соз ясаётганида, ундан шундай садо таралибди: «Онамнинг танидан мени кесиб олиб хайрли иш қилдинг, волидаи муҳтарамамнинг илдизлари ёвуз Кир қонга бўяган модаризаминимиздан қувват олсада эл дардини оламга етказолмаётган эдик... Ана энди сен кесган танимиздан шаҳидлар оҳи-доди садоланади, жигар хуни, дарду армонлар бисёр сочилади атрофга, тарих жонланади, авлодлар диёнат ўрнида хиёнат амал қилганидан воқиф бўлгайлар, урушу қирғин-баротларга лаънат ўқигайлар!..»

Биз бу ҳикоятни кекса ва таниқли созанда Қаюм ота Шобаротовдан эшитгандик. У киши эса танбур ибтидоси ҳақидаги мазкур ҳикоятни ўз оталари, машҳур созанда, Тўйчи ҳофизнинг ҳамиша ҳамроҳи бўлиб, ижод этиб келган Шобарот танбурчидан эшитган эканлар...

— Менинг танбурчи-созанда бўлишимга дадамнинг ушбу ҳикоятлари сабаб бўлган. Болалигимда мен уни танча атрофида боз-боз тинглаганман,— деб эслайдилар шу кунларда 90 баҳор арафасида турган таниқли созанда, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қаюм Шобаротов.— Орадан талай йиллар ўтиб кетди. Афсус ушбу ҳикоятнинг шеърий йўлдаги қисмларини унутаёзибман. Бирозгинаси ёдимда сақланиб қолган, холос:

**Муғанний илкига олиб**
**ажиб соз,**
**Дилинга айлади уни**
**жўровоз.**
**Кокилин ташлабон танбур**
**қилди ноз,**
**Тарона қалбларни этди**
**сарафроз...**

«Завқни қаранг-а!.. Муътабар зот 90 ёш бўсағасида бўлсалар-да, таралаётган куй ёш қалбнинг ҳаётга муҳаббат тўла акс-садоси сифат кишини шавқлантиради», деган фикр хаёлимдан ўта бошлади.

Қаюм ота билан танишлигимиз анча йиллар муқаддам бошланган. «Тўйчи ҳофиз» номли китобим устида ишлаётганимда ҳам бу муҳтарам зотнинг ширин суҳбатларидан, оталари Шобарот танбурчининг ҳаёт лавҳаларидан баҳраманд бўлганман.

— «Ҳар бир санъаткор нафосат сари дастлабки қадамини ўзига хос бошлайди. Лутфихоним саҳнага йўлни қизалоқлигидаги «қўғирчоқ ўйини»дан, Домла Ҳалим Ибодов эса отаси бозордаги лўлидан олиб берган жажжигина чилдирмадан бошлаган... Мен эса икки чинни пиёлага чўп уриб «зили—бом» чалганман ва отамга ҳавас қилиб, аста-секин танбурни илкимга ола бошлаганман. Инсон боласи нимага жон-жаҳди билан ёпишса, қалб қўри билан ёндошса, албатта, у яхши нарсанинг устидан чиқади, фойдали касб эгаси бўла олади», дея суҳбатимизни давом эттиради созанда.

Қаюм Шобаротовнинг болалик ва ёшлик чоғлари хотиралари халқнинг ичидан етишиб чиққан ажойиб санъаткорлар билан боғлиқ. Бу ҳақда у киши шундай дейдилар:

— Чорсунинг орқасидаги катта сой бўйида бир пайтлар Шоюсуф ака исмли завқи баланд бир одам катта чойхона очган бўлиб, бу ерларда болалик чоғларимизда аския кечалари, мусиқа базмлари бўлиб турарди. Норхўжа аканинг аския-пайровлари, Тўйчи ҳофизнинг оромбахш овози бу даргоҳда тез-тез янграб турарди. Мазкур чойхона жуда обод, ҳамиша одамлар билан гавжум эди. Бу ерда Камий, Хислат, Мискин, Таваллолар ҳам ўзларининг шеърлари, ғазаллари, ҳажвияларидан намуналар ўқиб турардилар. Ғазал ва мусиқа кечаларини ҳали-ҳали қўмсаймиз. Афсуски, кейинги йилларда чойхоналарнинг кўпи мана шундай маданият масканлари бўлмай қолди, улар умумий овқатланиш корхоналарига топшириб қўйилди.

Қаюм отанинг санъатга бўлган меҳри ва муҳаббати жуда эрта уйғонди. Бунга отасининг санъаткорлиги-ю, адабий йиғилишларда бўлиб турадиган халқ санъаткорларининг машқлари сабабчи бўлди. Созга эрта ишқ боғлаган бола отаси Шобарот танбурчининг нохунини ялиниб-ёлвориб оларди-да, заррин симларни чертиб завқланарди.

— Очиғини айтганда, менинг ёшлигим ҳам завқли, ҳам аянчли ўтган,— дейди Қаюм ота.— Чунки менинг инқилобдан аввалги йиллардан то ўн саккиз ёшимга қадар кирмаган кўчам ҳам, қилмаган ишим ҳам қолмаган. У пайтларда санъаткорнинг иззат-обрўси ҳозиргидай юксак эмас эди. Биргина отамнинг топишига қараб қолсак, қора қозон дурустроқ қайнамасди ҳам Оғир ҳаёт ва муҳтожлик нималарга бошламайди, дейсиз?.. Эски мактабда домланинг калтагини еб ҳам ўқидик, сартарошлик ҳам қилдик, ер ҳайдаб деҳқончилик билан шуғулландик... Яхшиямки, толеимизга инқилоб бўлди, рўшноликка чиқдик. Одамларга нафимиз тегадиган киши бўлиб етишдик...

Қ. Шобаротов инқилобнинг дастлабки дамларидаёқ қўлига қурол олиб озодлик ва бахт-саодат учун кураш олиб бораётганлар сафига кирди. У 1918 йилдан 1924 йилгача Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашда фаол қатнашди. Санъаткор инқилоб чавандози сифатида 1919 йилда Тошкентда манфур оқ гвардиячи Осипов бошчилигида уюштирилган аксилинқилобий исённи бостиришда бевосита иштирок этди.

1925—1927 йилларда у Тошкентнинг «Баланд масчит»идаги мусиқа техникумида ўқиди. Унинг Қурбон ғижжакчи, Ҳошим дуторчи, Имомхон найчи, Исматхон чангчи сингари моҳир халқ созандаларидан олган сабоқлари, ўрганган куй ва қўшиқларининг ўзи санъаткор учун бир умрга ҳақиқий ижрочилик мактаби бўлиб қолди. Имтиҳонларда атоқли санъаткорлардан Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Шораҳим Шоумаров, Абдусоат дуторчи, таниқли педагог Виктор Успенскийлар ҳам қатнашар эдилар. Ана шуларнинг синовидан ўтган Қаюм ёш мутахассис ва қобилиятли санъаткор сифатида ҳаётга йўлланма олди. У икки йил «Хуррам» номли ансамблнинг раҳбари бўлиб ишлади. Кейин Ҳамза номли театрда (1929—1931 йиллар) ҳамда Тошкентдаги Свердлов номли музикали театрда созанда бўлиб хизмат қилди. (1931—1937 йиллар). Жумҳурият санъатининг атоқли намояндалари қаторида 1937 йилда Москвада ўтказилган биринчи ўзбек санъати кунларида ҳам иштирок этди. Шундан кейин созанда қатор санъат муассасаларида, шунингдек Алишер Навоий номли опера ва балет Катта театрида (1941—1945 йиллар), Янгийўлдаги Маннон Уйғур номли музикали драма театрида (1945—1947 йиллар), Ўзбекистон радиоси қошидаги ансамблда (1948—1949 йили), Ўзбек давлат эстрадасида (1956—1960 йиллар) ишлади, халқимизнинг севимли санъаткорлари Тамарахоним, Ҳалима Носирова, Лутфихоним Саримсоқова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Муҳиддин Қориёқубов, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров, Ғулом Абдураҳмонов, Назира Аҳмедоваларга қўлидаги сози-танбури билан ҳамнафас бўлди. У хотин-қизларни озод қилиш «Ҳужум» ҳаракатида, ер ислоҳоти тадбирларида, Фарғона, Тошкент, Лағон каналлари, Фарҳод ва Чирчиқ ГЭСлари қурилишида ҳам фаол қатнашди. Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш ишига ҳамда санъат ва маданият муассасаларига яқиндан ёрдам берди. Ёшларни эстетик тарбиялаш, уларни санъат муассасаларига жалб этишда ҳам хайрли ишларни амалга оширди. У қатор мактабларда, билим юртлари қошида ёш созандаларнинг ҳаваскорлик тўгаракларини ташкил этиб, уларда миллий мусиқий меросимиздан дарс берди. Устод санъаткорнинг тарбиясидан баҳраманд бўлган қатор созанда ва хонандалар бугунги кунда таниқли ижрочилар, санъат арбоблари, маданият ходимлари бўлиб етишдилар. У кишининг набираси —Дилором Қаюмова ҳам хушовоз хонанда сифатида бобосининг санъатини давом эттираяпти.

Қаюм Шобаротов шу кунларда ўзининг 90-баҳорини қаршиламоқда. Умрининг жўшқин йилларини инқилоб чавандози сифатида қурол билан, кейинчалик эса ҳаётининг ярим асрини соз билан эл-юрт хизматига бағишлаган ана шу нуроний инсонни табаррук ёши билан самимий муборакбод этиб, бундан ҳам узун умрлар тилаймиз.

**Б. НАСРИДДИНОВ,**
**Тошкент Давлат маданият институтининг доценти, санъатшунос.**

• *Йиллар ва тақдирлар*

# БИР МЕҲРИБОН СЎЗ...

Инсон тақдири қизиқ: юзаки қарашда арзимас сабаб — ёки таъсирли бир сўз ҳаёт кечмишингни, бутун умрингни ўзгартириб юборишга қодир. Ғуломназар учун ўқитувчисининг бир таънаси ана шундай бўлди.

— Эсиз, эсиз берган билимларим, — ижирғаниб деди у ўтган-кетганга папиросни тиқиштираётган Ғуломназарга. — Қорнинг нонга тўймаётган бўлса заводга кир. Бугун чайқовчилик қилсанг, эртага бировнинг киссасига тушарсан. Э, ҳайф-э...

Эндигина ўн беш баҳорни кўрган болакай урушдан яраланиб ногирон бўлиб қайтган муаллими Воҳид Валиев орқасидан анграйганича, ҳижолат бўлиб қолаверди. Муаллими Ғуломназар қилиб юрган тирикчилигини оқлашни хоҳласа, эҳтимол бу қадар койимаган бўлармиди. Ахир, икки акаси урушга кетган бўлса, сотаётган попиросларидан тушаётган фойда уч оила рўзғорининг бир кемтигини ямашга асқотиб қоларди:

Бироқ Воҳид ака ҳақ-да! Пул ишламоқчи бўлса ҳалол йўлни танлаши керак. Кўпгина тенгдошлари каби корхоналарда ишлаши мумкин эди. Ғуломназар ёш бўлса ҳам тарозунинг қайси палласи тош босишини англаб етди. Эртаси куниёқ ўша машҳур заводга, яъни ҳозирги Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кирди.

Ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтди, лекин Ғуломназар аканинг бу кун тафсилоти ҳали ҳам кўз ўнгида равшан гавдаланади. Оч-наҳорликка кўп ўтмай ҳамма ўрганиб кетди. Аммо ўспиринларни уйқусизлик азоби жуда ўртарди. Улар дастгоҳи ёнида, баъзан устида ғужанак бўлиб донг қотиб қолишарди. Катта корхона раҳбарлари, цех бошлиқлари ҳар куни ўспиринлар атрофида парвона бўлишар, қўлидан келгунча меҳрибонлик қилишарди, яхши сўзларни аямасдилар.

Умуман Ғуломназар ака Абдурасулов, бутун ҳаёти давомида бир меҳрибон сўзнинг, самимийликнинг сеҳрига кўп марта ўзи гувоҳ бўлган. Ўқитувчисининг таънаомуз, лекин меҳрибонлик билан айтган сўзлари ҳаётини кескин ўзгартириб юборди. Заводда ишлаб у ВЛКСМ сафига кирди. Ташкилотчилиги, ташаббускорлиги учун ёшлар уни ўз етакчилари қилиб сайладилар. Кейин комсомол, партия, халқ назорати органларида ишлади, Олий партия мактабини тугаллади.

1966 йил апрелининг ўша таҳликали тонгида, бутун Тошкент зилзиладан оёққа қалқиганда Ғ. Абдурасулов Октябрь ноҳия ижроия комитетининг раиси бўлиб иш бошлаган эди. Ер силкинишидан ноҳиянинг жуда кўп аҳолиси жафо чекди.

Пойтахтда шошилинч равишда бир қолипдаги кўп қаватли уйлар қуриларди. Ноҳия раҳбарлари бироз бошқачароқ йўл тутишди. Улар жумҳурият партия Марказий Комитети ва ҳукуматига зилзиладан талафот кўрганлар учун шахсий уй-жой қуришга ер ажратиб беришни илтимос қилишди.

Бу масала бир кунда ҳал бўлди. Калинин ноҳиясининг собиқ «Октябрь» колхози ҳудудида «Октябрь» мавзеси қад кўтара бошлади.

Бу жойни пойтахтликлар «Штаб» деб ҳам аташади. Ушбу ном ҳам ўша йиллар хотираси. Янги мавзеда қурилиш ишларини олиб боришни мувофиқлаштириш бўйича штаб фаолият кўрсатарди. Ҳамма масалалар шу ерда тезлик билан ҳал этиларди.

Зилзиладан сўнг анча йиллар ўтгандан кейин Социал таъминот вазирлиги биноси олдида Ғуломназар акани бир аёл тўхтатди.

— Мени танияпсизми? — сўради у.

Раис хотирасини қанча тизгинлашга ҳаракат қилмасин, аёлни эслай олмасди. У эса кўзларига ёш олиб тўрт фарзанди билан бошпанасиз кўчада қолганида қисматига Ғуломназар ака шерик бўлганлигини ҳаяжонланиб, тутилиб-тутилиб гапирарди.

— Ҳозир ҳам сизнинг ёрдамингиз билан олган уйимизда турамиз, деди аёл.— Доим сизни дуо қиламан. Фарзандларимиз катта бўлиб кетишди. Бизникига бир пиёла чойга келинг, илтимос.

Аёлнинг жўнгина, меҳр тўла сўзлари Ғуломназар ака учун ҳар қандай зиёфатдан аъло эди.

Шаҳар кенгайиб, Акмал Икромов ноҳияси ташкил этилганда, Ғуломназар акага бу янги ижроқўмга раислик қилишга тўғри келди. У бу лавозимда ҳам бутун вужуди билан берилиб фаолият кўрсатди. Бетиним, беҳаловат ишлар бориб-бориб юракка зарба берди. Оғир хасталик уни ёстиққа михлаб ташлади. Бироқ, соғайиб оёққа тургач «Москва» меҳмонхонасига раҳбарлик қилишни топширишди. У яна ташвишлар оғушига кўмилди. Меҳмонхонада хизмат маданиятини ошириш, ҳар бир ходим масъулиятини кучайтириш чораларини кўрди. Уларга меҳмонхона биргина Тошкентнинг эмас, жумҳуриятимизнинг ҳам ўзига хос кўзгуси эканлигини қунт билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Иттифоқ миқёсидаги пенсионер, қўша-қўша орден ва медаллар нишондори Ғуломназар Абдурасулов бу ерда ҳам беш йилдирки ғайрат билан толмай меҳнат қиляпти.

Яқинда меҳмонхона пештоқида унинг янги номи — «Чорсу» сўзи пайдо бўлди.

— Бу халқимизнинг яна бир иродасининг ифодасидир, — дейди Ғуломназар ака. — «Чорсу» бу жойнинг қадимий номи. Унинг тикланиши бизнинг ўз ўтмишимизга, маданиятимизга чуқур ҳурматимиз белгисидир. Ана шу биргина сўзда қанча тарих, қанча маъно яширинган. Уни биз авлодларимизга мерос қолдиришимиз керак.

Ҳа, бир сўз ,айниқса меҳрибон сўз қадри бебаҳо!

**А. НОСИРОВА.**

